



ХАЛҚАРО ФОРУМ

ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ ВА ЧЎЛЛАНИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ — УМУМЖАҲОН МАСАЛАСИ

13 ноябрь кун
Самарқанд шаҳридаги
Конгресс марказида
Бирлашган Миллатлар
Ташкилотининг
Чўлланишга қарши
кураш тўғрисидаги
конвенциясининг (UNCCD)
бажарилишини кўриб
чиқиш кўмитасининг
21-сессияси (CRIC-21)
бошланди.



Йиғилиш БМТнинг Чўлланишга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси ташкил этилганидан бери уюштирилган энг муҳим тадбирлардан бири бўлиб, Марказий Осиёда илк бора ўтказилмоқда. Унда 196 та мамлакатдан ва Европа Иттифоқи, фуқаролик жамияти ва илмий доиралардан 500 га яқин вакил иштирок этмоқда.

Сессиянинг очилишига бағишланган ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тадбир қатнашчиларига мурожаатини Олий Мажлис Сенати Раиси Т.Норбоева ўқиб эшиттирди.

Мурожаатда Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси иқлим ўзгаришининг салбий таъсири ва улар келтириб чиқарадиган ижтимоий, экологик муаммоларнинг оғир оқибатларини тўлиқ ҳис қилаётгани қайд этилган.

“Бугун биз бир авлоднинг кўз ўнгига йўқ бўлиб бораётган Орол денгизи глобал ҳалокатининг оғир оқибатларига қарши курашялмиш. Бу таҳдидларнинг барчаси ва бошқа кўплаб омиллар нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда аҳоли фаровонлиги ва саломатлигига бевосита таъсир қилмоқда, бу эса Барқарор ривожланишнинг асосий мақсадларига эришиш йўлида ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

Ўзбекистоннинг жорий сессия якунларига кўра, қум ва чанг бўронлари бўйича Самарқанд декларациясини қабул қилиш ташаббуси халқаро экспертлар ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланишига ишонаман” деб қайд этади Шавкат Мирзиёев.

Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

МУСТАҲКАМ ИНТИЗОМ ВА КУЧЛИ МАСЪУЛИЯТ

самарали натижа гарови



Мамлакатимизда жорий йил қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган устувор принципларни янги Ўзбекистон улғувор ғоясига ҳамоханг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органларининг фаолиятини янги конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқароларнинг ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туришини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Янги таҳрирдаги Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш барча даражадаги республика иқро этувчи ҳокимият органларининг биринчи навбатдаги устувор вазифаси этиб белгилаб берилди.

Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоши-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча



имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва

барқарорликни қафолатли таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон — 2030” стратегияси қабул қилинди. Ҳозирда ҳар жабҳада, ҳар соҳада туб янгиланишлар амалга оширилмоқда. Бунда ҳар биримиздан ўз

вазифамизга виждонан ёндашиш, Президентимиз илгари сураётган ташаббусларни оғишмасдан, сўзсиз амалга ошириш талаб этилади.

Давоми 3-бетда

ТАҲЛИЛ

ГИДРОЭНЕРГЕТИКА САЛОҲИЯТИ ҚАРИЙБ УЧ БАРОБАР ОШИРИЛАДИ

Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимизда 1991-2016 йиллар давомида электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ҳажми 43 миллиард килловатт-соатни ташкил қилган. 2021 йилга келиб, бу кўрсаткич 72 миллиард килловатт-соатга етган. 2022 йилда эса 74,3 миллиард килловатт-соат, яъни 2021 йилдагидан 2,3 миллиард килловатт-соат кўп электр энергияси ишлаб чиқарилган.

Ўтган йили истеъмолчиларга 62,3 миллиард килловатт-соат электр энергияси етказиб берилган. Бу 2021 йилдагига нисбатан 3,2 миллиард килловатт-соат ёки 5,5 фоиз кўп демакдир.

Мамлакатимизда 1991 йилдан 2016 йилгача 2 минг 655 мегаватт, 2016-2022 йилларда эса 5 минг мегаваттдан зиёд янги қувватлар ишга туширилди. Саноат ривожланиши,



аҳоли сони ва ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ўсиб бораётгани электр энергиясига талабни ҳам оширмоқда. Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг қарийб

85 фоизи газда ишловчи иссиқлик электр станциялари уллушига тўғри келмоқда. Қолган қисми қайта тикланувчи энергия манбалари — ГЭСлар ва қуёш фотоэлектр станциялари

томонидан етказиб берилмоқда. Жорий йил якунигача улар сафига шамол электр станциялари ҳам қўшилиши кутулмоқда.

Давоми 4-бетда

МУНОСАБАТ

ҲАМКОРЛИҚДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Сўнгги йилларда глобаллашув тақозоси билан аввал COVID-19 инқирози, ундан кейин ноаниқ геосиёсий ўзгаришлар ва совуқ урушлар натижасида кўплаб ривожланган мамлакатларда иқтисодий барқарорликни мувозанатда ушлаш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, туризмни жонлантириш ва тинчликни сақлаш долзарб масалага айланиб улгурди.

Ўзбекистонда ана шу хатарларнинг олдини олиш, яхши кўшничлик, Буюк ипак йўлида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, таълим-фан, сайёҳлик соҳаларини жадал ривожлантириш, бунинг учун рақамлаштириш, инфратузилмани модернизациялаш, саноат ва кооперацияларга сармоялар ажратган ҳолда интеграциялаш, пировардида, қўшимча қиймат яратиш бўйича улкан ислохотлар кечмоқда.

Қардош ва ривожланган давлатлар билан кенг кўламда савдо-иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйиларкан, мамлакатимиз долзарб ташаббусларни илгари сурмоқда. Хусусан, ана шу прагматик саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, Ўзбекистон

тинчлик ва иқтисодий лойиҳалар ҳабиға айланиб бормоқда.

Жорий йил 8-9 ноябрь кунлари пойтахтимизда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг олий даражада ўтказилган саммити бу борада юртимиз учун янги уфқлар очилаётганини кўрсатди.

Саммит кун тартибидан ИХТ доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий ва гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш, кўп векторли ташкилот фаолиятини конструктив қўриб чиқиш юзасидан муҳокамалар бўлди. Ўзбекистон томони саммит доирасида икки томонлама савдо-иқтисодий келишувлар учун фаол учрашувлар ўтказди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ИТАЛИЯ

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА ЕТДИ

Италия Ўзбекистоннинг Европа қитъасидаги энг муҳим ҳамкорларидан биридир. Кейинги йилларда сиёсат, хавфсизлик, иқтисодий, энергетика, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро алоқалар анча фаоллашди. Ўзбекистон ва Италия БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ришталар мустаҳкамланмоқда

Бугун Ўзбекистонда Италия капитал иштирокидаги 52 та корхона фаолият қўрсатмоқда. Улардан 33 таси кўшма ва 19 таси эса тўлиқ Италия сармояси асосида ташкил этилган. Энг қўлай давлат режими Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги савдода кўпнади. Жорий йилнинг 9 ойида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 390 миллион АҚШ долларга етди.

Икки давлат тадбиркорларининг худудлараро ҳамкорлиги кенгаймоқда. Хусусан, Тошкент вилояти ва Италиянинг Ломбардия минтақаси ўртасида коммунал инфратузилма, кимё, саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларда кўшма лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутувчи дастур ишлаб чиқилди.

Давоми 3-бетда

ТУРИЗМ

РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР САЙЁҲЛИК РИВОЖИ УЧУН НЕГА ЗАРУР?

Жаҳонда кечаётган иқтисодий рақобат кескинлашувиға қарамай, туризм соҳаси фаол ривожланаётган соҳалардан бирига айланиб бормоқда. Барча давлатлар ўзи учун қўлай сайёҳлик йўналишини танлаш, яъни бозордаги мақбул мавқеини эгаллаш, хизматлар кўрсатишнинг ҳар томонлама ўнғай жиҳатларини қўллаш, замонавий маркетинг тадқиқотлари олиб боришга ҳаракат қилмоқда.

Бунинг асосий сабабларидан бири туризмнинг сердаромад соҳа эканидир. Сайёҳликда топилган даромаднинг 30 фоизи одамларнинг қўлига иш ҳақи бўлиб етиб боради. Ҳолбуки саноат

ва бошқа тармоқларда бу кўрсаткич 10 фоиздан ошмайди. Қолаверса, янги иш ўринларини яратишда ҳам ўзига хос имконият беради.

Давоми 5-бетда

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

Беш ёшли Нигина эътиборсизлиги сабаб тиббиёт игнасини ютиб юборди. Кўрсатилган тезкор тиббий ёрдамда аниқланишича, темир жисм унинг ошқозонида тўхтаб қолган. Шифокорларнинг амалий ҳаракати билан қизалоқ ошқозонидаги жисм замонавий ускуналар ёрдамида тўғиз олиб ташланди.

ТИҒСИЗ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ

— Авваллари бу турдаги тиббий ёрдам кўрсатиш ақсарият ҳолларда жарроҳлик амалиёти асосида олиб борилган. Табиийки, беморнинг оёққа туриши учун бирмунча вақт ва маблағ сарфланган, — дейди функционал диагностика шифокори

Раҳматжон Охунов. — Эндиликда бу борадаги муолажалар замонавий гастрофиброскоп ёрдамида тиғсиз амалга ошириш имконияти яратилгани беморлар оғирини енгил қилмоқда.

Давоми 5-бетда

ТУРИЗМ

РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР

сайёҳлик ривожу учун нега зарур?



Алишер ЭШТОЕВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бошланғичи 1-бета

Туризмда яратилган битта иш ўрни бошқа соҳаларда қўшимча 2 та иш ўрни очилишига сабаб бўлади. Мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантириш бора...

қилинди. Албатта, бу йўналишда кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш жаҳон миқёсида сайёҳликни рақобатбардош даражага олиб чиқишга тўғри бўлади.



кадрлар тайёрламоқда. Ушбу ОТМларда талабалар соҳа доирасида пухта таҳсил оляпти. Уларга муайян фанлар бўйича 400 га яқин профессор-ўқитувчи дарс бермоқда.

нинг ўзида таълим муассасаларининг ўқувчи ва талабалари учун дарсларни туризм маданий мерос объектларида ташкил қилиш амалиёти жорий этилди.

илмий асосланган контентлар яратилди. Жумладан, 143 та маҳалла ўрганилиб, 254 та туризм, тарихий-маданий, археологик объектнинг контенти ўзбек ва инглиз тилларида шакллантирилди.

Бешинчидан, соҳа бўйича дарс берувчи профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш тизими йўлга қўйилгани боис, амалиёт базалари, тармоқ бўйича хорижий илгор ОТМларида узлуксиз малакасини ошириб бориш керак.

Олтинчидан, нафақат мамлакатимизда, балки халқаро меҳнат бозориде рақобатлаша оладиган кадрлар тайёрлаш учун халқаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш, энг аввало, жаҳон таълим бозоридеги илгор хорижий таълим муассасалари билан қўшма дастурлар асосида кадрлар тайёрлашга эътибор қаратиш даркор.

Еттинчидан, таълим муассасаларини битирган кадрлар ҳозирги туризм меҳнат бозориде бўш иш ўринлари, иш берувчилар эса кадрларни топишга қийналмақда. Шу муаммони бартараф этиш, яъни таълим муассасалари битирувчиларининг муносиб иш ўринларига жойлаштиришга қўмақлаштириш мақсадида ўзаро ахборот алмашинувни таъминловчи ягона электрон тизимни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Саққизинчидан, жаҳон туризм бозорини муттасил ўрганиб бориш, шу асосида энг долзарб йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш учун бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини ташкил қилиш мумкин.

Тўққизинчидан, туризм соҳасида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, тегишли фан ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш, ўқув муассасаларининг халқаро грантлар, илмий стажировкаларда иштирок этиши, илмий лаборатория уйсуналарини харид қилиш каби масалаларни мувофиқлаштириш керак.

Учинчидан, бутун юртимизда уч мингга яқин гид фаолият юритмоқда, аммо уларнинг соҳа бўйича билими, малакаси айрим ҳолатларда талабга жавоб бермаёттир. Шу боис, уларнинг малакаси ва зиёрат одоби борасидеги билимларини узлуксиз ошириб бориш лозим.

Мазкур йўналишдаги ишларни тартибга солиш ва такомиллаштириш асло фойдадан холи бўлмайди. Аксинча, малакали кадрлар тайёрлаш, истеъмолчиларни қаноатлантирадиган ва хорижий мамлакатларнинг таълим муассасалари билан рақобатлаша оладиган, сифатли кадрларни етиштириш ва пировардида, соҳани ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади.



белгиланган. Шунингдек, таълим ташкилотларида ўқитиш жараёнини амалиёт билан бирга олиб бориши назарда тутилган. Амалиёт базаларини ташкил этиш, олий ва профессионал таълим дастурларидаги ўқув жараёнини "блок-модуль" тизимига асосланган дуал таълим шаклида жорий қилиш зарурлиги кўрсатилган.

асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда 4 та коллеж ва 6 та техникум "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети тасарруфига ўтказилган.

Туризм соҳасини ривожлантириш учун кадрлар тайёрлаш жараёнида қатор муаммолар кўзга ташланмоқда. Уларни бартараф этиш учун муайян жиҳатларга эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, таълим тизимининг амалиётдан ажралиб қолгани биланиб қолляпти. Талабалар асосан, назарий билим билан чегараланиб, амалиёт эса ўз ҳолида кетаёттир. Шу боис, таълим тизимиде амалиёт билан интеграцияни кенгроқ йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Зотан давлатимиз раҳбарининг шу йил 26 апрелдаги "Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори биноан, 11 та олий таълим муассасаси раҳбарлари ҳамда ҳудудлардаги 30 та туман ҳокимлари томонидан туризм ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга қаратилган "Йўл хариталари" ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

ТИФСИЗ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ

Бошланғичи 1-бета

Тошлоқ туманида тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар аҳолига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини бермоқда. Бу ерда 175 ўринга эга 5 қаватли, замонавий кўп тармоқли клиник хизмат кўрсатиш шифохонаси фойдаланишга топширилди.

— Тизимни ислох қилиш, соҳага янги инновация ва технологияларни жалб этишга бўлган эътибор оиди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Акмалжон Шерматов. — Шу кунга қадар барча тиббий хизмат турлари тарқоқ жойлашгани кўплаб нуқулалликларга сабаб бўлган. Эндиликда барча хизматлар бир жойга жамланди. Шифохонамизда беморлар қабули ва даволаниш билан боғлиқ барча шарт-шароит яратилган.

Бундан ташқари, амалиёт базаларини ташкил этиш, олий ва профессионал таълим дастурларидаги ўқув жараёнини "блок-модуль" тизимига асосланган дуал таълим шаклида жорий қилиш зарурлиги кўрсатилган.

таъмирлаш, аҳоли ва тиббиёт ходимлари учун муносиб шароитлар яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашдек масалаларга ечим топиламоқда.

"Қуйи Яқкатут" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидеги 54-оилавий поликлиника туман марказидан анча олисда жойлашган. Утган асрнинг саксонинчи йилларида қурилган бино бир неча йилдирки таъмирга муҳтож. Чорак асрдан буён ўз ҳолига ташлаб қўйилган оилавий шифохонада бемор ва шифокорлар кундалик иш фаолияти учун керакли шароитлар йўқ эди. Аксарият беморлар муолажа олиш учун туман марказига боришга мажбур бўлган.

Туман тиббиёт бирлашмасининг мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан билдирган таклифи "Опен бюджет" порталига жойланиб, 8 минг 500 та овоз тўплаб, ғолиб бўлди. "Тошлоқ қурилиш таъмир" хусусий корхонаси тамонидан умумий қиймати 1 миллиард 200 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

— Оилавий поликлиникамиз "Гузарбоши", "Яқкатут", "Уч олиш", "Хўжарика", "Сойбўйи" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидеги 19 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатиб келади, — дейди оилавий поликлиника мудири Муҳаббатхон Мирзаалиева. — Эндиликда тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча шароитлар яшиланди. Хусусан, ўн ўринли кундузги шифохона, қўшимча гинекология, стоматология хизматлари йўлга қўйилди. Кенг ва ёруғ хоналар, марказлашган иситиш тизими, кўш панеллари билан жиҳозлангани аҳолига ҳар жиҳатдан малакали хизмат кўрсатиш имкониятини янада кенгайтиради.

"Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида тиббий хизмат соҳасига бўлган эътибор ва ажратилаётган сармоялар миқдори ортиб бормоқда. Шу кунга қадар лойиҳанинг биринчи босқичида иштирок этган "Жарқишлоқ" оилавий шифокорлик пункти ҳамда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникага қўшимча маъмурий бино қуриш бўйича билдирилган таклифлар ғолиб бўлди.

66 ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИНИНГ МАВЖУД МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЮЗАСИДАН БИЛДИРГАН ТАКЛИФИ "ОПЕН БЮДЖЕТ" ПОРТАЛИГА ЖОЙЛАНИБ, 8 МИНГ 500 ТА ОВОЗ ТўПЛАБ, ҒОЛИБ БўЛДИ. "ТОШЛОҚ ҚУРИЛИШ ТАЪМИР" ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ТАМОНИДАН УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 1 МИЛЛИАРД 200 МИЛЛИОН СўМЛИК ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

— Президентимизнинг "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида "Юқориқошлок", "Қалача", "Найманбўстон", "Бўстон" ҳамда "Терактаги" маҳалла фуқаролар йиғинларида босқичма-босқич маҳалла тиббий пунктлари ташкил этиш, жиҳозлар, замонавий алоқа воситалари, дори-дармонлар етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди туман кўп тармоқли марказий поликлиника мудири ўринбосари Эркин Соликчи. — Бу бир



қилиб тураман, — дейди меҳнат фахрийси Матлубахон Козимова. — Аммо оилавий поликлиника яшаш манзилимиздан бирмунча узоқлиги учун кўплаб оврагарчиликларга дуч келамиз. Қишлоғимизда ташкил этилган янги тиббий хизмат кўрсатиш пункти узогимизни яқин, оғиримизни енгил қилди. Умрларидан барака топсин. Тиббий кўрик, муолажа билан боғлиқ барча ёрдамларни энди шу ерда оляпмиз.

Ташкил этилган маҳалла тиббий пунктларида аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган барча шарт-шароитлар яратилган. Шифокор қабули, муолажа учун махсус ўрин, электр, совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими каби зарур инфратузилма тармоқлари мавжуд.

Сирасини айтганда, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва қўламини ошириш йўлида амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар аҳоли фаровонлиги ва истиқболига хизмат қилаётгани билан эътиборни тортади.

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



Шероф Қорбобоев оғлан сураётлар.

